

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 29257

Тошкент ш.

2022 йил “28” 06

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У.Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ORIGINAL PROJECT” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-00578-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Х.Ю. Раҳмонов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022-йил 23-июньдаги 106036-сонли Etender.uzex.uz танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Яшнобод тумани, Туман санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукамал таъмирлаш” объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ харажатлари;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-илоvasида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-илоvasида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 74 750 000 (етмиш тўрт миллион етти юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажурвчи қуйидагиларга мажбур:

- 3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;
- 3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;
- 3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;
- 3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;
- 3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;
- 3.1.6. тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

- 3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;
- 3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;
- 3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Пудратчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса,

ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун муурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдориди, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдориди, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро

этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPA NIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси, 16А-
уй.

МФӨ 00014 ИНН 204 775 594
ОКОНХ 69000
100021860262777074110054007
УЎЗБЕКЛИК КАЗНАЧЕЙСТВА
МИНФИНА РУз
23 402 000 300 100 001 010
ИНН 201 122 919



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ

“ORIGINAL PROJECT” МЧЖ

Почта манзили:

Тошкент ш. Шайхонтохур туман,

Себзор (Ғ.Ғулум) кўчаси 3-уй

х/р: 2020 8000 8005 2076 6001

«ДАВР-БАНК» ХАТБ, Навоий-
Заркайнар кўча, «А» бино.

.МФО: 00981

СТИР: 303 504 556; ОКЭД: 00981

Директор

Х.Ю. Рахмонов





“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти
“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров

Тошкент шаҳар

«28» 06 2022й.

“Яшнобод тумани, Туман санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукамал таъмирлаш. (Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БХМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Ҳолмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Яшнобод тумани, Туман санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукамал таъмирлаш. (Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С.Сагдиев, Ш.Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 14 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 06036 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “COMPLEX GRAPHICS” МЧЖ ғолиб ташкилот деб аниқланганлиги ва ғолиб ташкилот томонидан ютуқ бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли қонунинг 63-моддасига асосан комиссия томонидан аниқланган захирадаги ғолиб ташкилот “ORIGINAL PROJECT” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 23 июндаги электрон баённомасига асосан “Яшнобод тумани, Туман санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукамал таъмирлаш.(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича захира ғолиб ташкилот “ORIGINAL PROJECT” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари.



С. Сағдиев


Ш. Қодиров


О. Хамидов


П. Абдусатторов


М. Ҳолмаматова




"Келишилди"
 Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
 қисқартириб бериш бўш бошқармаси
 Ш. Шукуров
 2022 й.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг
 Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 30 майдаги 561-14-0-Q22-сонли қарори
 Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шаклланган эркин кодлик маблағлари ҳисобидан
 2022 йилги МАНЗИЛИ РЎХАТИ

№	Объектлар номи ва манзили	Куршилган бошланғич фойдаланиш тошлари йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа хизматларни ҳисобга олиш	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қиймати (айта билинган бўлган) қиймати жумладан, буюртмачи бошқа хизматларни ҳисобга олиш	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қиймати (айта билинган бўлган) қиймати жумладан, буюртмачи бошқа хизматларни ҳисобга олиш	2022 йил учун қилган қўйилmalar даражаси						2022 йилги фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қиймати (айта билинган бўлган) қиймати жумладан, буюртмачи бошқа хизматларни ҳисобга олиш	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қиймати (айта билинган бўлган) қиймати жумладан, буюртмачи бошқа хизматларни ҳисобга олиш	Экспортга қўйилган рақам ва саноат	Тегиб (гилго)лар каттегория бўйича бўлиши рақам ва саноат	Ташкилот номи					
							Жами қилган қўйилmalar		Буюртмачи бошқа хизматларни		Қувват/луидат	Асосий фонд суммаси	14	15						16	17	18	19	20
							Куршилган мотлақ қиймати	Жисос	Жами	Жумладан, саноат хизматларни														
1	Жами қилган қўйилmalar, жумладан						9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20						
36							5 000,000			5 000,000														
1	Сурхон туманидаги 12-сон оқимий полигонликнинг реконструкция қилиш	2022й	Объект				201,500			✓		Объект												
2	Юрғубоёв тумани 4-сонли фискалнинг даражасини реконструкция қилиш	2022й	Объект				201,500			✓		Объект												
3	Юрғубоёв тумани 53-сон оқимий полигонликнинг реконструкция қилиш	2022й	Объект				97,500			✓		Объект												
4	Мирзо Улуғбек тумани 8-сон оқимий полигонликнинг реконструкция қилиш	2022й	Объект				201,500			✓		Объект												
5	Мирзо Улуғбек тумани 79-сон оқимий полигонликнинг реконструкция қилиш	2022й	Объект				97,500			✓		Объект												
6	Мирзо Улуғбек тумани 26-сон оқимий полигонликнинг реконструкция қилиш	2022й	Объект				97,500			✓		Объект												

№	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш бошланғич ва объектнинг фойдаланишга топширилган йили	Лоёқат қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг қиймати (кайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг моликлари ш қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйимлар даражаси						2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг моликлари ш қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (кайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертга ҳужжатларни таҳрирлаш ва шунинг билан рақамли на саноат	Текшер (таълиқ)лар натижасига бўйича баёнида рақамли на саноат	Ташкилот номи			
								Жами капитал қўйимлар		Жами шун жумладан		Куршилган ва топширилган	Асосий фонд суммаси	15	16						17	18	19
								9	10	Жаҳоз	Буюртмачи бошқа харажатлари												
16	Яшнобод тумани 30-сон оилавий поликлиникасини қуриш	2022й	Объект					92,500					Объект							Текшер			
17	Яшнобод тумани 31-сон оилавий поликлиникасини филиалини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500					Объект							Текшер			
18	Яшнобод тумани 32-сон оилавий поликлиникасини филиалини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500					Объект							Текшер			
19	Шайхонқоҳур тумани 42-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500					Объект							Текшер			
20	Юнусобод тумани 97-сонли мактабга таълим ташкилотини қуриш	2022й	Объект					90,400					Объект							Текшер			
21	Юнусобод тумани 307-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500					Объект							Текшер			
22	Юнусобод тумани 366-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500					Объект							Текшер			
23	Юнусобод тумани 235-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500					Объект							Текшер			
24	Юнусобод тумани 191-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500					Объект							Текшер			

№	Объектлар номи ва мазмун	Қурилиш бошланғи ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиқа қуваტი	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида)	01.01.22 й. ҳолатига объект қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта ҳисоблаш билан) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта ҳисоблаш билан) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйимлар дивиденти				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта ҳисоблаш билан) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта ҳисоблаш билан) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Ташвиқот номи
								Қурилиш - монтаж ишлари	Жаҳоз	Жумладан Буюртмачи бошқа харажатлари	Куват/мулк дивиденти	Асосий фонд суммаси				
9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20					
34	Учтепа тумани Туман санитария эпидемиология соғайиштириш ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мураббаъ ташкирлаш	2022й	Объект												Тендер (тўлиқ)лар катталикда бўйича фойдалана рақами ва санаси	Тендер
35	Юзусобод тумани Туман санитария эпидемиология соғайиштириш ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мураббаъ ташкирлаш	2022й	Объект						91,000		Объект					Тендер
36	Ялпобод тумани Туман санитария эпидемиология соғайиштириш ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мураббаъ ташкирлаш	2022й	Объект						91,000		Объект					Тендер



Handwritten signature